УШБУ СОНДА:
2 МЕҲНАТ УЛУҒЛАЁТГАН ОДАМЛАР
3 ҚАЛБАКИЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ
XXI АСР НАФАСИ воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
4 НОМАЪЛУМ АЁЛ МАКТУБИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 29 (484)
2006 йил
25 июль
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Қуйидагилар муаллифлик ҳуқуқи объектлари бўлмайди:

расмий ҳужжатлар (қонунлар, қарорлар, тўхтамлар ва шу кабилар), шунингдек уларнинг расмий таржималари;

расмий рамзлар ва белгилар (байроқлар, герблар, орденлар, пул белгилари ва шу кабилар);

халқ ижодиёти асарлари;

оддий матбуот ахбороти тусидаги кундалик янгиликларга доир ёки жорий воқеалар ҳақидаги хабарлар;

инсоннинг бевосита индивидуал асар яратишга қаратилган ижодий фаолияти амалга оширилмасдан, муайян турдаги ишлаб чиқариш учун мўлжалланган техника воситалари ёрдамида олинган натижалар.

«МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ВА ТУРДОШ ҲУҚУҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, 8-МОДДА

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги олдидан

ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ







Мусиқада қай бир даражада илоҳийлик мужассамлашган. Шундай куйлар борки, ўз жозибаси билан одамни сеҳрлаб қўяди. Шундай қўшиқлар борки, у айтилганда беихтиёр ҳамма жўр бўлади.

Ватан ана шундай мангу қўшиқ дегим келади. Ўттиз саккиз йил темирйўл депосида хизмат қилиб, нафақага чиққан Юнус ота Эргашевнинг фикрлари ҳам шуни тасдиқлайди.

— Қизим, мен Эски шаҳарда туғилиб ўсганман, — дейди у. — **Нафақам етарли, турмушим бекаму-кўст бўлса-да, «Болалар ижодиёти уйи» яшил майдонини парвариш қилишни ўз зиммамга олдим. Менинг бу ишим фарзандларимга ёқмасди. Шунда мен айтдим, болаларим, ўтган бир йилда Эски шаҳарни обод қилиш мақсадида қанча иш амалга оширилди? Бешёғоч майдони, Миллий боғ таъмирланди, кўл қайта қурилди, Эски Жўва бозори мутлақо ўзгариб кетди. Миллий либослар галерияси, равон ва ҳаволи янги кўчаларни айтмайсизми? Консерватория ўрнида бир вақтлар ачитқи бурқситган пиво заводи бўлар эди. «Жар» спорт мажмуи ўрнида эса, ҳайҳотдай жарлик бўларди. Шу жойлар кўзни қувонтирадиган даражада обод бўлади, деб ҳеч ўйлаган эмасмиз. Бундай хайрли ишдан четда туриб бўлмайди. Ҳали кучим бор экан, юрт ободлигига мен ҳам қўлимдан келганча ҳисса қўшмоқчиман!..**

Юнус отанинг гапи мени ўйлантириб қўйди. Биз, ёшлар кўп нарсаларни билмаймиз. «Болалар ижодиёти уйи» олдидаги яшил майдонни яшнатиб қўйган, турфа гуллар чаманини меҳр билан парвариш этаётган нуроний отахон эса оғирчиликларни кўргани учун ҳам хайрли ишларни қадрлайди. Ёғинли кунларда бир челак сув деб, лой кечиб кўчанинг бошига чиқар эдик, дейди у. Президентимиз Ислом Каримов Эски шаҳарни пиёда айланиб чиққан, яшаш шароитимиз билан яқиндан танишган. Шундан сўнг у кишининг саъй-ҳаракати билан ҳаётимизда ўзгаришлар бошланди. Муҳандислик коммуникациялари ўтказилди. Шифохона ва гузарлар, турар жой бинолари, кўркам иншоотлар қурилди. Иккита машина тиқилиб қоладиган тор ва эгри-бугри кўчалар кенгайтирилди, жамоа транспорти қатнови яхшиланди...

Айниқса, Эски Жўва бозорининг тубдан қайта қурилиб, ҳам миллий, ҳам замонавий услубда таъмирланиши, сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликларга эга янги иншоотлар, ошхоналар, фавворалар ҳамда кўкаламзор майдон яратилиши энг хайрли ишлардан бири бўлди. Ҳадра майдонидан бошланиб, Сағбон кўчасига ўтадиган йўл қайта қурилди. Ҳозир кенг ва равон, бир текис йўл кўрган кўзни қувонтиради.

— Абдулла Қодирий боғи уч томондан одамларни бағрига чорлаб туради, — дейди Сағбон кўчасида истиқомат қилувчи Заҳро Раҳматуллаева. — **Хавфсиз ва қулай чўмилиш ҳавзаси, замонавий аттракционлар, яшил ҳудудлар, чойхона, қачон қараманг, гавжум. Эски Жўва майдони кичик шаҳарчага ўхшайди. Уни сайр этсангиз, кўнглингиз очилади. Мана шундай хайрли ишлар қилаётган ҳукуматимиздан миннатдормиз.**

Дарҳақиқат, Эски Жўва яшил кўкаламзорлари ва кичик меъморий шаклларнинг, барча иншоотларнинг ўзаро уйғунлиги билан кишини ўзига маҳлиё этади. Унинг марказида кўркам ва шарқона Миллий либослар галерияси қад ростлаб турибди. Фавворалар кўчага фусун бағишлайди.

Миллий либослар галерияси миллий меъморий кўринишда бўлиб, уч қаватдан ташкил топган. Унда янги либослар ва мамлакатимиз енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқилган газмоллар намойиш этилади. Иншоот теварагидаги яшил майдонга алоҳида сув тармоғи ўтказилган, кўкаламзор ҳудудини доимий сув билан таъминлашга хизмат қилади. Бино пештоқига бир жуфт лайлак ин қўйган ва бу кишига қандайдир хотиржамлик, кўнгилга осойиш бахш этади.

Президентимизнинг ғояси ва қимматли фикрлари асосида миллий либослар галериясининг меъморий лойиҳасини йигирма олти ёшли архитектор Муроджон Тоштемиров ишлаган.

— Юртбошимиз доимо биз, ёшларнинг бошимизни силаб келади, — дейди Муроджон Тоштемиров. — **Миллий либослар галерияси биноси лойиҳасида менинг ҳам ҳиссам борлигидан бахтиёрман. Бундай иншоотлар шаҳримизга чирой бағишлаб қолмай, йиллар, асрлар оша халқимизга хизмат қилади...**

«Юртбошимиз доимо биз, ёшларнинг бошимизни силаб келади», деган гапда чуқур маъно бор. Эски шаҳарда қад ростлаган Консерваториянинг муаззам биноси фикримизнинг тасдиғидир.

Муҳташам мусиқа кошонасининг Эски шаҳарда барпо этилишида чуқур маъно бор. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, **«Ўзбек халқи ўзининг юксак мусиқий, мусиқа санъатига улкан муҳаббати билан азалдан жаҳон аҳлининг эътирофини қозонган. Ҳар бир ўзбекнинг меҳмонхонасида дутор ёки танбур каби бирон-бир чолғунинг доимо осиғлиқ туриши ҳам халқимизнинг шу санъатга чексиз ҳурмати ва ихлосидан далолат беради».**

Истиқлол даврида Алексей Султонов, Улуғбек Полвонов, Даниил Холиқов, Лола Астанова, Нодир Ҳошимов каби ўнлаб ёшлар нуфузли халқаро танловлар ва мусиқа фестивалларида ғолиб чиқиб, ҳозирги замон ўзбек мусиқа маданиятини дунёга намойиш этдилар.

Давлатимиз раҳбари мана шундай истеъдодли ўғил-қизларимиз парвозига қанот бўлсин деган мақсадда миллий ва жаҳон меъморчилигининг мумтоз намуналарини ўзида мужассам этган янги санъат кошонаси барпо этиш ғоясини илгари сурди. Янги консерваториянинг муҳташам биноси дунёдаги энг машҳур олий мусиқа даргоҳлари билан бемалол беллаша олади. Унда мусиқий таълимнинг барча нозик жиҳатлари инобатга олинган. Ўқув хоналари ихтисослашган, концерт залининг акустик хусусиятлари таъминланган. Улар ёруғ ва баҳаво.

Бу санъат кошонаси атрофини қуршаб турган ва файзу тароват касб этган боғ ва хиёбон, дарахтзор оралаб ўтган йўл ва йўлаклар, мажнунтоллар, солланиб турган сунъий кўл яхлит бир иқлимни ташкил этади. Яшиллик барқ урган бу гўзал маскан чинакам илҳом манбаи, ижод, мусиқа даргоҳидир.

Замонавий соз, жиҳоз ва чолғулар билан таъминланган бу санъат кошонасининг умумий ҳажми 35,180 метр квадрат, аудиториялар сони 305 та. Якка тартибдаги ўқув машғулотлари ўтказишга мўлжалланган хона деворларига махсус товуш ютгич мосламалар ўрнатилган. Янги бинодаги 4 та концерт зали талабаларга саҳна малакасини пухта эгаллаш имкониятини беради. Шунингдек, 4 та овоз ёзиш студияси, «Миллий чолғу» музейи, Ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот маркази, «Мусиқа нашриёти», фонотека, 4 та спорт зали фаолият кўрсатади.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўтган ҳафтада давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган «Ўзбекистон Республикаси Ҳўжалик процессуал кодексининг 19-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қонун матбуотда эълон қилинди. Қуйида ана шу қонуннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз юритилади.

Qonun ijodkorligi

ТАКОМИЛЛАШГАН ҚОНУН

кафолат ва самарадорлик гарови

Мамлакатимиз Конституциясининг 53-моддасига биноан бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Мулкнинг дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилаётган яна бир қоида Конституциямизнинг 111-моддасида ўз аксини топган бўлиб, унда мулкчиликнинг турли шакларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, тадбиркорлар ўртасида, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилиши кўрсатилган.

Шу ўринда Асосий Қомусимизнинг **«Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолати»** деб номланган ўнинчи бобининг **«Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади»,** дея қайд этилган 44-моддасини ҳам эслаш жоиз.

Конституциямизнинг ана шу меъёрлари мазмун-моҳияти асосида ҳар бир юридик шахс ўзининг бузилган, шунингдек, низолашишга мажбур қилган ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишни сўраб хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақли, деган хулосага келиш мумкин.

Қисқача айтганда, Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари ҳар бир иш юзасидан ишни судда кўришнинг барча босқичларида, яъни ишни биринчи инстанцияда кўришда, шунингдек, қайта кўришда, яъни апелляция, кассация инстанциясида назорат тартибида кўришда юқорида қайд этилган икки йўналишдаги вазифани адо этади. Хусусан, даъво қаноатлантирилган тақдирда даъвогарнинг жавобгар томонидан бузилган ҳуқуқлари ҳимоя қилинса, даъво рад этилганда, жавобгарнинг ҳуқуқ ва манфаатлари даъвогарнинг асоссиз талабларидан ҳимоя қилинади. Шу тарзда хўжалик суди иқтисодий низолар ва бошқа ишларни ҳал этиш жараёнида ҳар бир ҳолат бўйича бузилган ҳуқуқни тиклаш, айбдорга нисбатан жазо чораларини қўллаш орқали иқтисодиёт соҳасида қонунчиликнинг мустаҳкамланишига кўмаклашиши лозим. Қонунчиликнинг мустаҳкамланиши ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда хўжалик судининг хусусий ажрими алоҳида аҳамиятга эга. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу суд мансабдор шахсларнинг ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқлаган тақдирда жиноят иши қўзғатиш орқали жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаши зарур.

Шу ўринда Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан ишларни кўришнинг ҳар бир босқичи ўзига хос хусусиятга эга эканига батафсил тўхталиб ўтиш жоиз. Чунки **«Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»**ги қонуннинг мазмунида айнан хўжалик судида суд ишини юритиш босқичларида, яъни ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўймаслиги билан боғлиқ меъёрни такомиллаштириш масаласи ўз аксини топган.

(Давоми учинчи бетда)

SHarhlovchi minbari

ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ

ёхуд демократия ниқобидаги иккиюзламачилик

Илгари бир давлатдаги тузумни ағдариб бошқа тузум ўрнатмоқчи бўлганларни "инқилобчилар" дейишган бўлса, ҳозир бир мамлакатдаги ижтимоий тузумни бошқаси билан алмаштирмоқчи бўлаётганларни "демократлар" деб аташяпти. Хўш, улар ўртасида қандай фарқ бор? Ҳозиргидай мураккаб бир даврда, ҳаётий ҳамда геосиёсий манфаатлар устунлиги учун кураш бораётган бир жараёнда дунёни куч билан ўзгартириб, ҳаммани бир қолипга солиш ғояси хуруж қилаётган дамларда, шубҳасиз, бу каби саволлар кўпларни қизиқтиради. Шунинг учун қуйида ана шу саволларга жавоб излашга уриниб кўрамиз.

Халқаро ҳаётни мунтазам кузатиб бораман. Агар сиёсатни ўта нозик санъат десак, бу санъатнинг "ўйинлари"ни сиёсий саҳнада, халқаро майдонда кўриш мумкин. Ижрочиларнинг хатти-ҳаракатларини кузатсангиз, идрок этиш эҳтиёжини сезасиз. Ҳаётда шундай одамлар борки, уларнинг ичидагини чироқ ёқиб ҳам аниқлай олмайсиз. Одатда, бундай одам асл мақсадини ҳеч кимга айтмайди, ичидаги ўй-фикр бошқаю оғзидаги гапи бошқа, у ҳеч кимга дўст ҳам, душман ҳам бўлолмайди. У бировнинг қувончига ҳам, ташвишига ҳам шерик бўлолмайди — мартабага эришсангиз, ҳасад қилади, мартабадан тушсангиз, мазах қилади. У фақат ўзининг манфаатини ўйлайди — фойда кўрса, ҳақиқатчи бўлиб, зиён кўрса, ноҳақлик ҳомийси бўлиб майдонга чиқади. Мен ўзгарувчан сиёсатни ана шундай одамга қиёслагим келади. Ундай одамлар нима демоқчи ва нима қилмоқчи эканлигини узоқ вақт англаб етмайсиз. Бундай ҳолат халқаро ҳаётда дастлаб терроризмга қарши курашда кузатилди. Яъни бу жараён "сен менга тегмасанг, мен сенга тегмайман" қабилида кечди ва алоҳида (айрим) террорчиларни қўлга олиб йўқ қилишдангина иборат бўлиб қолди.

Терроризм бугун ёки кеча пайдо бўлгани йўқ. Ўтган асрнинг охирларини эсланг. Миср, Жазоир, Индонезия, Шри Ланка, Ҳиндистон каби мамлакатларда минглаб одамлар террорчилик хуружлари қурбони бўлди. Бу ёвуз куч тобора барча қитъалар ва минтақаларни қамраб ола бошлади. 1999 йилда Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади.

Ана шундай пайтда дунё сиёсатини белгилайдиган айрим давлатлар бу ёвуз душманга қарши кучларни бирлаштириб, биргаликда курашиш ўрнига алоҳида террорчиларни ушлаб жазолаш билан чегараланиб қолишди. Чунки улар жиддийроқ кураш олиб борилган тақдирда дунёнинг маълум бир минтақаларидаги ҳаётий манфаатларига зарар етиб қолиши мумкинлигидан эҳтиёт бўлишди. Ер юзида геосиёсий манфаатлар тўқнашмаган жойнинг ўзи йўқ. Бундай эҳтиёткорлик охир-оқибатда айрим давлатларнинг ўзларига оғир зарба бўлиб тушди. Яъни Нью-Йорк ва Вашингтонда фожиалар юз берди. Бу айниқса, айрим мамлакатлар ва минтақалардаги террорчилик хуружлари, тўс-тўполонлар ва иғвогарона хатти-ҳаракатларни демократик чиқишлар, деб талқин қилаётганлар учун катта сабоқ бўлади.

Ўзбекистон терроризмга қарши биргаликда кураш масаласига 1993 йилдан буён жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Ўзбекистон раҳбари БМТ Бош Ассамблеяси сессияси минбарига кўтарилган пайтдаёқ жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини шу масалага қаратган эди. Кейинчалик ана шу йўналишда амалий таклифлар ҳам билдирилди. Жумладан, БМТ қошида антитеррорчилик марказ ташкил қилиш ва бу марказни зарур маблағ билан таъминлаш, унга тегишли ваколат ва ҳуқуқлар бериш масаласи кун тартибига қўйилди. Аслида бу амалиётда қўллаш ва кутилган натижага эришиш мумкин бўлган ҳолат эди.

Дунё тажрибасидан шу нарса аниқки, терроризмга қарши якка ҳолда курашиб бўлмайди. Шунингдек, террорчиларнинг бир неча етакчиларини йўқотиш билан ҳам мақсадга эришиш мумкин эмас. Бунга мисоллар жуда кўп. Мана, охиргиси: бир ой муқаддам "Ал-Қоида"нинг Ироқ ҳудудидаги раҳнамоси Абу Мусаб ал-Заркавий ўлдирилгани ҳақидаги хабар бутун дунёга тарқалган эди. Орадан бир неча кун ўтиб, унинг ўрнини Абу Аюб ал-Масри эгаллади.

(Давоми учинчи бетда)

Tahlil va saboq

МАНСАБ МУКОФОТ ЭМАС...

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарали кечишида амалдаги қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар ижросининг ўз вақтида бажарилиши муҳим аҳамиятга эга. Бу борада адлия идоралари зиммасига ҳам кўламли вазифалар юклатилган.

Бугун ҳаётнинг ўзи шуни кўрсатиб турибдики, қаерда қонун талабларига қатъий амал қилинса, вазифа моҳиятига чуқур ёндашилиб, масъулиятни ҳис этган ҳолда иш юритилса, муваффақиятлар кўлами кенгаяди. Ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамиятида ҳар бир фуқаро Конституция ва қонунлар мазмун-моҳиятини чуқур англаши ва ўз фаолиятида уларга оғишмай амал қилиши лозим. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда барпо этилаётган жамият пойдеворининг мустаҳкам бўлиши ва қонун устуворлигини таъминлашда асосий мезон ҳисобланади.

Жиззах вилояти адлия бошқармаси ходимлари белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишда тадбиркорлар, хорижий инвестиция ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ҳамда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартнома интизомини мустаҳкамлаш, аҳолига ҳуқуқий хизмат кўрсатиш самарадорлигини оширишда бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Шу йилнинг биринчи ярмида бошқарма томонидан фуқаролар, тадбиркорлик субъектлари манфаатларини кўзлаб ҳамда шартномавий муносабатларга оид жами 6 миллиард 587 миллион 246 минг 221 сўмни ундириш ҳақида судларга 1074 та даъво аризаси киритилди. Бу даъво аризаларининг 1069 таси судлар томонидан кўриб чиқилиб, қаноатлантирилди.

Шуни таъкидлаш жоизки, қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўйган мансабдор шахсларнинг ҳамёнидан моддий-маънавий зарар ҳамда бой берилган фойдани ундириш, уларнинг эгаллаб турган вазифаларига нисбатан масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қайтарилди. Ўтган муддатда тўрт нафар мансабдор шахсдан 150 минг сўмлик маънавий, 130 минг 910 сўмлик моддий зарар ва 951 минг 469 сўмлик бой берилган фойдани ундириш ҳақида суд қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, бошқарманинг жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига мўлжалланган иш режасига асосан вилоятдаги битта шаҳар ва учта туманда ўтказилган ўрганишлар чоғида 4816 та қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилгани аниқланди. Қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ҳамда қонунбузилишига йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўриш юзасидан юқори турувчи идора ва ташкилотлар раҳбарлари номига бажарилиши мажбурий бўлган 161 та тақдимнома киритилди. Киритилган тақдимномаларнинг жойлардаги муҳокамасига кўра, 288 нафар шахс жавобгарликка тортилиб, улардан 9 нафари эгаллаб турган вазифасидан озод этилди. 22 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Мустақиллигимизнинг 15 йиллиги олдидан

ВАТАН ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

«Бугун биз дунёдаги ривожланган давлатлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатиб, ортимизда эркин ва фаровон жамият барпо этаётган эканмиз, санъатни, мусиқани ўзимизнинг маънавий ҳамроҳимизга айлантирмасдан туриб, ана шу юксак марраларга эришишимиз, ҳаётимизни янада мазмунли, янада ёруғ ва ҳар томонлама мукаммал қилишимиз мумкин эмас, албатта», – деб таъкидлаган эди Юртбошимиз Консерваториянинг очилиш маросимида.

Мусиқа кошонаси шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Консерватория нафақат ўқув жараёни, балки ижодий фаолият ҳам намунали йўлга қўйилган. Мусиқали театр студиясининг симфоник оркестри, ўзбек халқ дамли ва эстрада чолғулари оркестрлари ҳамда ансамбллари, хор жамоалари, торли чолғулар квартетлари фаолият кўрсатиб, турли шаклдаги концерт дастурлари билан саҳнага чиқмоқда.

Мусиқа кошонасида ҳар йили 300 дан зиёд концерт дастурлари намойиш этилиши анъанага айланган. Булар қаторида турли муассасалар — Ёзувчилар уюшмаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Маънавият ва маърифат маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, халқаро жамғармалар ва элчихоналар билан ҳамкорликда кўпдан-кўп тадбирлар ўтказиладики, булар истеъдодлар ўз иқтидорларини рўёбга чиқаришига йўл очиб бермоқда.

— Олий ўқув юртимизда юз элликка яқин мусиқа санъати фидойилари иқтидорли ёшларга таълим бермоқда, - дейди Консерватория ректори Дилором Икромова. — Ўзбекистон халқ артистлари Саодат Қобулова, Турғун Алиматов, Зоҳид Ҳақназаров, Қўрқмас Муҳиддинов, Фаррух Зокиров, Насиба Абдуллаева, Ўзбекистон Республикаси санъат арболари Офелия Юсупова, Феликс Янов-Яновский, Аҳмад Одилов, Тўхтасин Гофурбеков, Равшан Юнусов каби устозлар бу борада алоҳида ибрат кўрсатиб келмоқда. Уларнинг саксондан ошиқ шогирди халқаро ҳамда республика миқёсидаги танловлар ғолиби экани, янги-янги иқтидорлар рўёбга чиқаётгани қувонарли, албатта. Бу – мусиқа санъатимизнинг келажаги нурли эканини англатади. Президентимиз фармонига биноан халқаро ҳамда республика танловлари ғолиблари ўқишга имтиҳонсиз қабул қилинади. Ҳар йили камида ўттиз нафар мана шундай иқтидорли ёшлар талабаларимиз сафига қўшилади. Мусиқа санъатимизнинг эртанги кунини белгилайдиган иқтидор соҳиблари Консерваторияда камол топаётганидан ғурурланаман...

Ҳа, чиндан ҳам, Ўзбекистон Давлат Консеваториясида таҳсил олаётган талабалар нафақат мазкур олий ўқув юртининг, балки мамлакатимизнинг ғуруруга айланиб бормоқда, десак муболаға бўлмайди.

Яқинда Консерваториянинг IV курс талабаси Диана Зиятдинова Болгариянинг Дабрич шаҳрида бўлиб ўтган поп-рок танловида шарафли биринчи ўринни қўлга киритди.

Ўн саккиз йилдан буён давом этиб келаётган ушбу халқаро танловда Ўзбекистонимиз вакиллари биринчи марта қатнашишди. Аммо Диананинг ижросига олтмиш мамлакатдан келган эстрада хонандалари ҳам, санъат ихлосмандлари ҳам тан беришди! У миллий мумтоз қўшиғимиз — «Мустаҳзод»ни юксак малака билан ижро этиб, «Гран-при»га сазовор бўлди.

«Мустаҳзод» билан, ғарбликлар учун ноанъанавий Шарқ мумтоз қўшиғи билан Европа санъат ихлосмандлари қалбига кириб бориш осон эмас. Аммо ўзига хос ижро йўли, Диананинг овозидаги товланишлар, шу тариқа қўшиқ руҳини етказиб бериш унга муваффақият олиб келди.

Диана Зиатдинова ўн беш тилда қўшиқ куйлайди. У Варна шаҳрида бўлиб ўтган танловда болгарча «Ёшлигимиз денгизи» қўшиғини ижро этиб, «Болгария маданиятига қўшган ҳиссаси учун» мукофотига сазовор бўлди.

— «Мустаҳзод»ни айтиб, жаҳонни ҳайратга солиш, бу истеъдоднинг мумтоз санъатимизни бошига кўтариш билан бирга, ўз иқтидорини намоён этишидир, — дейди хонанда продюссери Фарҳод Жўраев. — Диана ҳаммамиз учун азиз бўлган она Ватанни жондан ортиқ севади, уни улуғлайди...

Бундай истеъдодлар Консерваторияда оз эмас. «Ниҳол» мукофоти совриндори, пианиночи Элеонара Котлибулатова, опера бўйича халқаро танловлар совриндори Абдумалик Абдуқаюмов, эстрада йўналишида бир қатор танловлар совриндори Дилноза Исмияминова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Дилнура Мирзақулова, зарбли чолғулар йўналиши бўйича халқаро танлов совриндори Элнур Каримуллин...

Улар умид ниҳоллари, эртанги кунимиз тимсоллари, эзгу орзу-интилишларимиз навобахшларидир.

— Диана миллий мумтоз санъатимиз барчани бирдек мафтун этишини исботлаб берди, — дейди унинг устози Дилором Омонуллаева. — Истеъдод, тинимсиз изланиш билан мана шундай камол топиши мумкин. Бунда унинг эл-юртга, миллий санъатимизга меҳр-муҳаббати ҳам беқиёс аҳамият касб этади. Истардимки, Диана Зиатдинова сингари иқтидорли ёшларимиз мустақил Ўзбекистонимиз номини жаҳонга танитаверсинлар...

Ўзбекистон Давлат Консерваториясида айни кезда қабул комиссияси қизғин фаолият олиб бораяпти. Демак, яна янги истеъдодлар кашф этилади, табиийки, улар санъатнинг янада нурли, янада юксак чўққиларини кўзлаб ҳаракат қилишади...

Куй ва наволар, оҳанглар олами бўлмиш Консерваториянинг муҳташам фойесидан чиқиб келар эканмиз, қулоғимиз остида Юртбошимизнинг қуйидаги сўзлари жаранглагандек бўлди: **«Инсон дунёга яхши иш қилиш, яхши из қолдириш учун келади. Одамдан бу дунёда қилган савоб ва эзгу ишларигина қолади».**

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
журналист

Muloqot

МУДИРАНИНГ ТАЛАБИ НОТЎҒРИ

— Боғчада тарбиячи бўлиб ишлайман. Яқинда боғча мудираси ўрнимга бошқа кишини ишга олаётгани сабабли мендан ишдан бўшаш ҳақида ариза ёзишимни сўради. Мен эса ариза ёзишдан бош тортдим. Чунки меҳнат фаолиятим даврида ишдан бўшашимга асос бўладиган ҳеч қандай хато ва камчиликларга йўл қўймаганман. Шундай экан, мудиранинг талаби тўғрими? Ушбу масалани ҳал қилишда қандай йўл тутишим керак? Қолаверса, қандай ҳолларда меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши ҳақида ҳам маълумот берсангиз.

Қ.МИНГБОЕВА,
Жиззах вилояти

— Мудиранинг талаби нотўғри. Сиз меҳнат низоларини ҳал қилиш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича туман судига мурожаат этишингиз мумкин. Меҳнат кодексининг 100-моддасида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш ҳақида сўз юритилган. Ушбу моддага мувофиқ, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш асосли бўлиши шарт.

Қуйидаги сабаблардан бирининг мавжудлиги меҳнат шартномасини бекор қилишнинг асосли эканини билдиради:

1) технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқаргани ёхуд корхонанинг тугатилгани;

2) ходимнинг малакаси етарли бўлмагани ёки ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши;

3) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузгани. Аввал меҳнат вазифаларини бузгани учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида ходим томонидан такроран интизомга хилоф ножўя ҳаракат содир қилиниши меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузиш ҳисобланади;

4) ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузгани.

Ходим билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати;

ички меҳнат тартиби қоидалари;

корхона мулкдори билан корхона раҳбари ўртасида тузилган меҳнат шартномаси;

— айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўлланиладиган интизом ҳақидаги низом ва уставлар билан белгиланади.

Ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини бузиши қўпол тусга эгалиги ёки эга эмаслиги ҳар бир муайян ҳолда содир қилинган ножўя ҳаракатнинг оғир-енгиллигига ҳамда бундай бузиш туфайли келиб чиққан ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатларга қараб ҳал этилади;

5) ўриндошлик асосида ишламайдиган бошқа ходимнинг ишга қабул қилиниши муносабати билан, шунингдек, меҳнат шартларига кўра, ўриндошлик иши чекланиши сабабли ўриндошлар билан меҳнат шартномасининг бекор қилингани;

6) корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса бош бухгалтер вазифасини амалга оширувчи ходим билан тузилган меҳнат шартномаси мулкдорнинг алмашиши сабабли бекор қилингани. Мазкур асос бўйича меҳнат шартномасини корхона мулк қилиб олинган кундан бошлаб уч ой мобайнида бекор қилишга йўл қўйилади. Ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган вақти, узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлари бу муддатга киритилмайди.

Ходим вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даврида ва меҳнат тўғрисидаги қонунлар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган таътилларда бўлган даврида меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди, корхона бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно.

МАЪМУРИЙ ЖАЗО ҚЎЛЛАНИЛАДИ

— Кўпинча ишдан қайтаётган вақтимда айрим ўсмирларнинг маҳалла ҳудудидаги дўкон олдида тўпланиб турганини кўраман. Энг ёмони, улар ҳар доим спиртли ичимлик ичиб олиб, ўтган-қайтган йўловчиларга ҳар хил бўлмағур сўзларни айтиб, уларнинг асабига тегишади. Айтинг-чи, бундай ножўя ҳаракат учун қонунда қандай жавобгарлик назарда тутилган?

Л.ЎРОЗБОЕВА,
Бектемир тумани

— Албатта, бундай ҳаракатларга нисбатан қонунларимизда тегишли жазо чоралари белгиланган. Жумладан, «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 183-моддасига кўра, майда безорилик, яъни жамоат жойларида уятли сўзлар билан сўкиниш, фуқароларга шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг осойишталигини бузувчи шу каби бошқа хатти-ҳаракатларда ифодаланган жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Мазкур кодекснинг 187-моддасида эса жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддага мувофиқ кўчалар, стадионлар, хиёбонлар, боғлар, барча турдаги жамоат транспортида ҳамда спиртли ичимликларни қўйиб сотишга рухсат этилган савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан бошқа жамоат жойларида спиртли ичимликлар ичган шахсларга энг кам иш ҳақининг ўндан бир қисмидан учдан бир қисмигача жарима солинади.

Шунингдек, ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилгандан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, у энг кам иш ҳақининг учдан бир бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлиши мумкин.

Саволларга ТДЮИ катта ўқитувчиси Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

Bugunning gapi

МЕҲНАТ УЛУҒЛАЁТГАН ОДАМЛАР

Ўтган 15 йил тарихан олганда жуда қисқа давр. Аммо бу фурсатда бир неча ўн йилларга татиғулик ишлар амалга оширилди. Бу ҳақда гап кетганда аввало, мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлган аграр соҳадаги ўзгаришлар, айниқса, янги ташкил этилган деҳқон ва фермер хўжаликлари, уларнинг эски колхоз ва совхозлардан ёки сўнгги ширкат хўжаликларидан афзалликларини тилга олмаслик мумкин эмас.

Буни Ўзбекистон туманидаги «Амир Темур» фермер хўжалиги мисолида яққол кўриш мумкин.

— Истиқлолнинг дастлабки йилларида янги ташкил этилган фермер хўжаликларини кўриб, уларга роса ҳавасим келарди, – дейди биз билан суҳбатда фермер хўжалиги раҳбари Одилжон Ҳасанов. — Кейинчалик мен ҳам фермер бўлишга қатъий қарор қилдим. Дастлаб яхши ният билан жамғариб қўйган сармоям эвазига 10 бош қорамол ва 15 бош қўй сотиб олдим. Сўнгра чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш ҳақида туман ҳокимлигига мурожаат қилдим.

Натижада туман ҳокимининг 1995 йил 7 августдаги 133-10-сонли қарори билан чорвачиликка ихтисослашган «Амир Темур» фермер хўжалиги ташкил қилиниб, унга 10 гектар ер ажратиб берилди. Шундан сўнг фермер вақтни чўзиб ўтирмади. Укалари Қамбарали ва Ботиралини ёнига олиб, дарҳол берилган ерга маккажўхори экди. Оға-инилар экинга обитобида ишлов беришдики, натижада жами 450 тонна силос жамғарилди. Энг асосийси, Ҳасановлар чорва бош сонларини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратишди. Йил якунида қўрадаги моллар 60 бошга, қўйлар эса 32 бошга кўпайиб, истеъмолчиларга 6 тонна сут, 7,5 тонна гўшт етказиб берилди.

Табиийки, чорва бош сонлари кўпайгандан кейин 10 гектар ердан олинадиган озуқа камлик қилади. Шунинг учун 1996 йил бошида фермер хўжалигига яна 63 гектар ер ажратиб берилди. Чорвадор фермер энди озуқа турини ҳам кўпайтиришни мўлжаллаб, ер майдонларининг 40 гектарига беда ургини сепди. Қолган 33 гектар ерга эса маккажўхори уруғини қадади.

Шу тариқа фермер йил охирида қимирлаган қир ошишини ён-атрофдагиларга кўрсатиб қўйди. Қорамоллар 180 бош, қўйлар 52 бош, отлар 6 бош эчкиулоқлар 12 бошга кўпайиб, улардан йил давомида 13 тонна сут соғиб олинди, 11 тонна гўшт етиштирилди. Қишлов учун 1920 тонна беда, 1485 тонна макка силоси жамғариб қўйилди.

Ана шундай ютуқлар туфайли 2002 йилда чорвачиликни ривожлантириш масалаларига бағишланган вилоят семинари айнан «Амир Темур» фермер хўжалигида ўтказилиб, унинг бу йўналишдаги тажрибаси вилоят миқёсида оммалаштирилди. 2003 йилда хўжалик ўзининг 3 та транспорт, битта ерга ишлов берадиган «ТТЗ-100» русумли тракторларига, хашак ўрувчи «МАРАЛ» русумли комбайн, «МАЗ» автомашинаси ва «ДАМАС» русумли хизмат машинасига эга бўлди.

2004 йилда хўжаликнинг чорва моллари сони 748 бошга етди. Ўша йили 70 гектар ердаги беда ва 78 гектар майдондаги маккажўхоридан 7096 тонна ем-хашак жамғарган фермер хўжалиги меҳнаткашлари 41 тонна гўшт ва 220 тонна сут ишлаб чиқаришга эришишди. Бундан эса хўжалик 139.000.000 сўм соф даромад олди.

– Ўтган 2005 йил биз учун жуда баракали йил бўлди, — дейди О.Ҳасанов. — Чунки ана шу йил бошида деҳқончиликка ҳам қўл урдик. Бунинг учун бизга 30 гектар ер ажратиб берилди. Унинг 20 гектарига пахта, қолган қисмида буғдой етиштириб, пахтадан 59,9 тонна, ғалладан 44 тонна ўрнига 47,5 тонна ҳосил олдик. Пахтанинг ҳаммасини юқори навларга сотдик. Ўзимизга эса 13 тонна дон қолди. Умуман олганда, деҳқончиликдан 22.400.000 сўм даромад олдик.

Бундан ташқари, фермер ўтган йили мўъжазгина сутни қайта ишлаш цехини ҳам ишга туширди. Бир кунда 3 тонна сутни қайта ишлаш қувватига эга бўлган мазкур цехда ўшандан буён сариёғ, қаймоқ, пишлоқ каби сут маҳсулотлари тайёрланяпти. Қолаверса, хўжалик ўзининг асосий фаолияти — чорвачиликда ҳам аввалгилардан салмоқлироқ натижага эришди. Яъни 247 тонна гўшт ишлаб чиқарилиб, тумандаги 17 та мактаб, мактабгача таълим ва тиббиёт муассасаларининг айни маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи қондирилди. Умумий ҳисобда фермер хўжалиги йилни 207.350.000 сўмлик даромад билан якунлади.

Жорий йилда қаҳрамонларимизнинг қўраси янада кенгайди. Аниқроғи, улар қорамоллар сонини 478 бошга, қўйларни 310 бошга, эчкиулоқларни 120 бошга, отларни 49 бошга етказишди.

— Бу йил 290 тонна сут, 65 тонна гўшт ва 44.250 дона тухум етишришни мўлжаллаяпмиз, — дейди хўжалик иш бошқарувчиси Рафиқжон Қўзиев. – Бундай улкан ютуқ ва салмоқли даромадлар ўзўзидан қўлга киритилмаётгандир?

— Муваффақиятларингизнинг бош омиллари нимада? — деб сўраймиз фермердан.

— Албатта, «ҳолва» деган билан оғиз чучимайди. Дастлаб 7-8 нафар ишчи билан фаолият бошлаган фермер хўжалигимизда бугун 47 нафар киши меҳнат қиляпти. Биз аввало, уларнинг манфаатдорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратганмиз. Чунки манфаатдорлик бор жойда ҳар қандай ишда самара бўлади. Қолаверса, ишни тўғри ташкил қилиш, мўл-кўл, тўйимли озуқа жамғариш, бунинг учун эса имкон қадар ер билан «тиллашиш»га, деҳқончиликда эса пахта ва ғалланинг шароитга мос навини танлашга масъулият билан ёндашамиз, — деб жавоб берди Одилжон ака.

Бугун фермер хўжалиги аъзолари ҳар ойда ўртача 52.000 сўмдан 65.000 сўмгача даромад қилишмоқда. Ғалла ўрими пайтида эса ҳар бир ишчига 500 килограммдан дон тарқатилди. Улар учун ҳар куни икки маҳал бепул иссиқ овқат ҳам муҳайё қилинган. Чорва бош сонлари ва экинларни парваришлаш меҳнаткашлар сонига қараб тенг тақсимланган. Ҳар ким ўз вазифасини яхши билади.

Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашда фермер асосан алмашлаб экиш усулидан фойдаланмоқда. Бундан ташқари, қиш фаслида ерларнинг 53 фоизига икки марта яхоб суви берилади. 1,7 километрлик ариқ-зовурлар кавлаб, тозаланади. Ҳар бир гектар ҳосилига 25 тоннадан маҳаллий ўғит жамғарилади.

Хўжалик икки йилдан буён пахтанинг «Наманган-77», буғдойнинг «Крошка элита» навидан мўл ҳосил олаяпти.

— Муваффақиятларимизнинг яна бир асосий омили борки, бу Президентимизнинг биз, фермерларга кўрсатаётган ғамхўрлигидир. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун бир неча имтиёзли кредит турлари жорий этилгани, шу йилдан бошлаб минерал ўғит, ёқилғи мойлаш материаллари каби моддий ресурсларни аввалгидек белгиланган миқдорда эмас, балки хомашё биржаси орқали чекланмаган миқдорда олишнинг йўлга қўйилгани ва яратилган мустаҳкам ҳуқуқий ҳимоя ана шу ғамхўрлик меваларидир, – дейди фермер хўжалиги раҳбари.

Бугун О.Ҳасанов меҳру-саҳоват бобида ҳам кўпчиликка намуна бўляпти. Ўтган йили тумандаги 5 та кам таъминланган оилага фермер хўжалиги томонидан қорамол олиб берилганди. Бу йил — «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» муносабати билан эса Кўқон шаҳрида яшовчи худди шундай оилаларнинг 12 тасига қорамол тортиқ қилинди. Шунингдек, ишчиларга ҳам навбати билан зотдор моллардан бериляптики, бу ҳам оилаларнинг дастурхонига тўкинлик бағишлайди.

— Мен оддий деҳқонман, — дейди хўжалик ишчиси Ғуломжон Мўминов, — ўғлим Акмалжон Тошкент Давлат юридик институтида тўлов-контракт асосида таҳсил олиб, институтни бу йил тамомлади. Фермеримиз сўнгги уч йил давомида унинг контракт пулини хўжалик ҳисобидан кўчириб берди. Илоҳим, боши тўйдан чиқмасин.

Дарвоқе, фермер Ғулом ака сингари ишчилардан яна 4 нафарига худди шундай ёрдам қўлини чўзиб келмоқда. Хуллас, унинг савоб ишлари бисёр...

Халқимизда «Меҳнат қилган элда азиз», деган пурҳикмат мақол бор. Бугун биз қаламга олган фермерлар ҳам ҳалол меҳнатлари, пешона терлари билан эл-юрт фаровонлигига ҳисса қўшиб, ўзларининг савоб ишлари билан эл олқишига сазовар булаётирлар. Донишманд ота-боболаримиз топиб айтганларидек, меҳнатни улуғлаган инсонни меҳнат ҳам улуғлайди.

Хуршид СУЛТОНОВ,
«Инсон ва қонун»
мухбири

Tahlil va saboq

МАНСАБ МУКОФОТ ЭМАС...

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Бир нафар мансабдор шахсга нисбатан эса жиноят иши қўзғатилди.

Киритилган тақдимномаларга асосан маҳаллий ҳокимлик, назорат қилувчи идоралар, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари томонидан ноқонуний қабул қилинган 25 та қарор бекор қилиниб, 18 та идора ва ташкилот раҳбарлари тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқларига риоя қилиш тўғрисида ёзма равишда огоҳлантирилди.

Маълумки, хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар фаолиятини иқтисодий жиҳатдан барқарорлиги таъминланишида, ислоҳотларнинг самарали кечишида банк муассасаларининг ўрни ва хизмати катта. Шунинг учун ҳам **«Банк фаолияти тўғрисида»**ги қонун, Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган ва Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтказилган бир қатор йўриқномалар банк ва тадбиркорлар муносабатларини тартибга солишга қаратилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, жорий йилнинг ўтган ярим йилида йўл қўйилган қонунбузилишларнинг аксарияти банк муассасалари томонидан содир этилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107 тага кўп, демакдир. Тадбиркорларни кредит маблағлари билан молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш банк муассасаларининг асосий вазифасига киради. 2005 йилнинг биринчи ярмида вилоят банк муассасалари томонидан фермер хўжаликлари, хусусий корхоналар, якка тартибдаги тадбиркорларга кредит маблағлари ажратишда 13 та ҳолатда қонунбузилишларга йўл қўйилганлиги аниқланганди. Зарурий чора-тадбирлар кўрилганига қарамасдан, ижобий ўзгариш ўрнига шу йилнинг ўтган олти ойида 63 та ҳолатда қонунбузилишга йўл қўйилган. Қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган банк муассасаси юқори идоралари раҳбарлари номига қонунбузилиш ҳолатларини қайта такрорламаслик юзасидан 18 та тақдимнома киритилди. Айбдор шахслардан 39 нафари интизомий жавобгарликка, 6 нафари эса маъмурий жавобгарликка тортилди.

Арнасой туманидаги «Тинчлик ота» фермер хўжалиги раҳбари А.Ёдгоров адлия бошқармасига мурожаат қилиб, «Тадбиркорбанк»нинг Арнасой тумани филиали ходимлари устидан шикоят қилган. Бу шикоят хатини ўрганиш давомида фермер хўжалигининг банкдаги ҳисоб рақамидан 4 миллион 62 минг 508 сўм пул маблағи тадбиркорнинг розилигисиз бошқа хўжаликларга ўтказиб юборилганлиги маълум бўлди.

Гап шундаки, «Тошкент» ва «Муртозо ота» фермер хўжаликлари 2004 йил давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёси тайёрлаш мақсадида банкдан кредит маблағи олган. Лекин олинган кредитни ўз вақтида қайтаришмаган.

Буни қарангки, банк ходимлари **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 21-моддаси талабларини бузиб, фермер хўжаликларининг қарзини «Тинчлик ота» фермер хўжалиги ҳисобидан қоплашган. Адлия бошқармасининг аралашуви билан «Тинчлик ота» фермер хўжалигига тегишли бўлган пул маблағи ўз эгасига қайтарилди.

Шунингдек, «Тадбиркорбанк»нинг Ғаллаорол тумани бўлимида Марказий банк бошқарувининг 1997 йил 21 июнда тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 1998 йил 16 ноябрда 533-сон билан рўйхатга олинган **«Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида»**ги 61-сонли Йўриқнома талаблари қўпол равишда бузилган. Яъни «Шуҳрат 3» фермер хўжалигининг 2006 йил 24 мартдаги 3-сонли тўлов топшириқномаси ўн кун кечиктирилиб ижрога қаратилган. Бундан ташқари, банк томонидан Марказий банк бошқаруви томонидан 1998 йил 27 июнда тасдиқланган, Адлия вазирлигида 1998 йил 8 октябрда 496-сон билан рўйхатга олинган **«Ўзбекистон Республикасида накд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида»**ги 60-сонли Йўриқнома талаблари бузилиб, «Шароф ота» хусусий фирмасининг 35-сонли, хусусий тадбиркор П.Избосарованинг 2-сонли тўлов топшириқномаларининг йили ва ойи ўчирилиб, ўзгартириб ёзилган ҳолда қабул қилинган ҳамда ижрога қаратилган. Бу каби қонунбузилиш ҳолатлари банк томонидан яна 21 ҳолатда такрорланган. Шунинг учун ҳам банк бош ҳисобчиси З.Атабоевга нисбатан МЖТКнинг 175-моддаси 3-қисми билан маъмурий баённома тузилиб, мазмунан кўриб чиқиш учун Ғаллаорол тумани Давлат солиқ инспекциясига юборилганди. ДСИ томонидан у энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида маъмурий жарима жазосига тортилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, кимки ўз мансаб ваколатидан қонун устуворлигини таъминлаш йўлида эмас, аксинча, ўз нафсини қондириш мақсадида фойдаланса, юқоридагидек, эл-юрт орасида юзшувут бўлиб қолади. Зеро, мамлакатимиз раҳбари қайта-қайта таъкидлаганидек, мансаб кимгадир ўз шахсий манфаатини қондириш йўлида берилган мукофот эмас, аксинча, халқ хизмати йўлидаги масъулиятдир.

Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ,
Жиззах вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

Qonun ijodkorligi

ТАКОМИЛЛАШГАН ҚОНУН

кафолат ва самарадорлик гарови

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Хўжалик процессуал кодексининг 15-моддаси талабига кўра, хўжалик судларида биринчи инстанция бўйича ишлар судьянинг якка ўзи томонидан, Олий хўжалик судида эса уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади. Апелляция, кассация, назорат инстанцияларида барча ишлар хўжалик суди томонидан ҳайъатда кўрилади, яъни суд таркиби уч ёки ундан ортиқ тоқ судьядан иборат бўлиши керак.

Шу ўринда айрим юридик атамалар, яъни апелляция, кассация, назорат тартибида, деган сўзларга изоҳ бериш фойдадан холи эмас.

Хўжалик судлари Республика Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларидан иборат тизимга бўлинган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар хўжалик суди ишларни биринчи инстанцияда ҳал этса, Олий хўжалик суди биринчи инстанция, кассация ва назорат тартибида кўради. Апелляция деганда, биринчи инстанцияда кўрилган ишлар юзасидан хўжалик судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори, Хўжалик процессуал кодексида назарда тутилган ҳолларда эса, хўжалик судининг ажримлари устидан билдирилган шикоятлар тушунилади. Апелляция шикояти ишни кўрган хўжалик судига шу ишда иштирок этган шахслар томонидан берилади.

Кассация инстанцияси ҳақида шуни айтиш керакки, хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, апелляция инстанциясининг қарори устидан ишда иштирок этувчи шахслар кассация шикояти беришга, прокурор эса кассация протести келтиришга ҳақли. Кассация инстанцияси сифатида ишлар фақат Олий хўжалик суди ҳайъати таркибида, яъни камида уч нафар судьядан иборат таркибда кўрилади.

Хўжалик судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарорлари устидан Олий хўжалик судининг раиси ва унинг ўринбосарлари, Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари протести ишни назорат тартибида кўришга асос бўлади.

Олий хўжалик суди қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи доирасида қуйи палатага киритган **«Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексининг 19-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»**ги қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 4 апрелда қабул қилинган ва 2006 йил 5 апрелда Сенатга юборилган. Мазкур қонун икки моддадан иборат бўлиб, биринчи моддада Хўжалик-процессуал кодексининг янги таҳрирдаги 19-моддаси, яъни **«Ишни кўришда судьянинг такрор иштирок этишига йўл қўйилмаслиги»** деб номланган меъёр қуйидаги мазмунда баён этилган: **«Ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья, агар суднинг ҳал қилув қарори апелляция ёки кассация инстанцияси томонидан ёхуд назорат тартибида бекор қилинган бўлса, шу ишни биринчи инстанция судида янгидан кўришда иштирок эта олмайди, янги очилган ҳолатлар бўйича ишларни кўриш ҳоллари бундан мустасно»**. Шу модданинг 2 қисмида эса ишни биринчи инстанция судида кўришда иштирок этган судья **«шу ишни апелляция ёки кассация инстанциясида ёхуд назорат тартибида кўришда иштирок эта олмайди»**, деб белгилаб қўйилди.

Қонуннинг иккинчи моддасида эса уни кучга киритиш тартиби белгиланган.

Хўжалик процессуал кодекси 19-моддаси иккинчи қисмининг амалдаги таҳрири ишни бирон-бир инстанцияда кўришда қатнашган судья ишни ўша инстанциянинг ўзида қайта кўришда қатнашишга ҳақли эмаслиги тўғрисидаги чекловни назарда тутар эди. Ишни янги очилган ҳолатлар бўйича кўриш ҳоллари бундан мустасно. Ушбу чеклов амалиётда бирон-бир иш янгидан ўша инстанцияда кўрилган тақдирда судьяларнинг етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ишни бир маротаба биринчи инстанция судида кўрган судьянинг ҳал қилув қарори мазкур ишни апелляция ёки кассация инстанцияси ёхуд назорат тартибида кўришда бекор қилиниб, иш яна биринчи инстанцияда кўришга юборилганида иштирок этолмаслиги билан боғлиқ таъқиқ Хўжалик процессуал кодексининг 19-моддаси, 1-қисмида сақланиб қолди.

Аммо Фуқаролик процессуал кодексининг 27-моддаси мазмунига кўра, фуқаролик ишини биринчи инстанция судидан бошқа бирор инстанция судида кўрган судья ушбу ишни ўша инстанцияда такроран кўришга ҳақли ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан ёндашган Олий хўжалик суди Хўжалик процессуал кодексининг 19-моддасини Фуқаролик процессуал кодексининг 27-моддаси мазмунига мослаштириш хўжалик суди судьялари имкониятидан янада самарали фойдаланишини таъминлайди, деган таклифни билдирган. Масалан, ҳозирги пайтда Навоий, Хоразм ва Сурхондарё вилояти хўжалик судларида 6 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган вилояти хўжалик судларида эса 4 нафар судья фаолият кўрсатади.

Биринчи инстанция судида кўрилган иш бўйича келиб тушган апелляция шикояти шу суднинг апелляция инстанциясида 3 нафар судья томонидан кўрилади ва ишни биринчи инстанция судида ҳал этган судья бу инстанцияда иштирок эта олмайди.

Суднинг ҳал қилув қарори апелляция инстанциясида бекор қилиниб, иш янгидан биринчи инстанция судида кўриш учун юборилган тақдирда иш бошқа судья томонидан кўрилади.

Вилоят хўжалик суди апелляция инстанциясида кўриш учун кворум бўлмагани ҳамда ишни бир хўжалик судидан бошқа вилоят хўжалик судига юбориш ваколати фақат Олий хўжалик суди раисига берилгани сабабли бошқа судга ўтказиш учун иш Олий хўжалик судига юборилади. Натижада ишни бошқа судга ўтказишни расмийлаштириб, жўнатиш ва бошқа судда ишни юритувга қабул қилиш учун камида 15-20 кун вақт сарфланади.

Қабул қилинган қонуннинг таҳририга кўра, ишни апелляция инстанциясида кўришда иштирок этган судьяларнинг шу ишни такроран апелляция инстанциясида кўришда иштирок этишига тўсқинлик қилмайди.

Шунингдек, Республика Олий хўжалик судининг Раёсатига муайян ишлар бўйича келтирилган протестлар Раёсатда кворум бўлмагани сабабли янги судьялар тайинлангунга қадар кўрилмасдан келаётгани, бу эса тарафларнинг асосли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Хўжалик судлари амалиётидан маълумки, апелляция, кассация инстанциялари ёки назорат тартибида ишни кўриш жараёнида моддий ҳуқуқ меъёри бузилгани ёки нотўғри қўлланилгани аниқланса, ишни кўраётган суд бу камчиликларни бартараф қилиб, иш юзасидан мазмунан қарор қабул қилади ва ишни янгидан кўриш учун юбормайди.

Бироқ процессуал ҳуқуқ меъёрлари бузилганлиги ҳар қандай ҳолда ҳам биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорини апелляция, кассация инстанцияда бекор қилиш ва ишни янгидан кўришга юборилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Хўжалик процессуал кодексининг 19-моддаси янги таҳрирда баён этилгани хўжалик судлари фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилиб, юридик шахсларнинг қонуний манфаати, бузилган ҳуқуқини суд орқали ҳал этиш самарадорлигини оширади.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори

Yangilik

ҚАЛБАКИЛИККА ЙЎЛ ЙЎҚ

ёхуд автомототранспортлар дахлсизлиги кафолатланди

Мамлакатимиз Конституциясида хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида ҳисобланиши, мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши белгиланган. Шу боис фуқаролар ўз хоҳишларига кўра, мулкларига эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши мумкин. Шу ўринда кейинги вақтларда автомототранспорт воситаларини ҳайдаш ва сотиш ҳуқуқи билан берилган ишончномаларни ёки ушбу мулкни олди-сотди шартномаларини қалбакилаштириш ҳолатлари анча кўпаяётгани кузатилмоқда. Бу эса ўз навбатида фуқароларнинг ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўришига сабаб бўлаётган эди.

Бундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида шу йил 7 март куни Вазирлар Маҳкамасининг **«Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга бериш ҳамда расмийлаштиришни тартибга солиш, автомототранспорт воситалари билан боғлиқ шартномаларни расмийлаштиришда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кучайтиришга хизмат қилади. Қарорда автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи билан боғлиқ ишончномаларни, уларни бошқа шахсга ижарага бериш шартномаларини нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турадиган махсус бланкаларда амалга оширилиши белгиланган.

Мазкур қарорнинг асосий талаблари шундан иборатки, эндиликда автомототранспорт воситаларини сотиш ҳуқуқи билан боғлиқ ишончномалар, олди-сотди, ҳадя, айирбошлаш ва ижарага бериш шартномалари нотариуслар томонидан тасдиқланганда, ушбу автомототранспорт воситасини бошқа шахсга бериш таъқиқланмагани ва хатлаб қўйилмагани текширилгач, амалга оширилади. Шу боис эндиликда фуқаролар ушбу нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришда аввал ўзларининг яшаш жойларидаги, яъни автотранспорт воситаси рўйхатда турган тумандаги давлат нотариал идорасига мурожаат этиши ва ўзларига тегишли бўлган автомашинага нисбатан таъқиқ бор ёки йўқлиги тўғрисида маълумотнома олиши лозим.

Бундан ташқари, махсус ҳимояланган бланкаларда нотариал тасдиқланган ишончномалар ва шартномалар 10 кунлик муддатда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати идораларида рўйхатдан ўтказилиши (ҳисобга қўйилиши) шарт. Агар улар белгиланган муддатда рўйхатдан ўтказилмаса, қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳайдовчилар транспорт воситасини бошқаришдан вақтинча четлатилиб, маъмурий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Шунингдек, қарорда автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқини белгиловчи олдин берилган ишончномаларнинг амал қилиш муддати 2007 йил 1 январигача қайта расмийлаштирилиши белгиланган. Эътиборли жиҳати шундаки, қайта расмийлаштириш учун давлат божи ундирилмайди. Ўз навбатида, агар ушбу ишончномалар 2007 йил 1 январгача қайта расмийлаштирилмаса, улар ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Шу сабабли 2006 йил 1 июлга қадар нотариал тартибда тасдиқланган автомототранспорт воситаларидан фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқи билан берилган ишончнома эгалари, улар расмийлаштирилган нотариал идораларга (ишончномани берган шахс бўлмаган тақдирда ҳам) мурожаат этиши ва уларни қайта расмийлаштириб, белгиланган тартибда ДЙХХБ идораларида рўйхатдан ўтказиши лозим.

Бу каби тадбирлар ҳеч қандай қалбакиликка ўрин қолдирмайди ва мулк дахлсизлиги ҳуқуқини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Мазкур қарор талабларини бажариш нафақат нотариуслар ва ДЙХХБ ходимлари, балки барча фуқаролар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Дилбаҳор ЁҚУБОВА,
юридик фанлари номзоди

Qilmish-qidirmish

ЭГИЛГАН БОШ

Таъмагирлик ҳамиша сохтакорлик тегирмонига сув қуяди. Сохтакорлик эса барча замонларда иллат сифатида қораланган. Муайян ваколатга эга бўлган шахснинг ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, иши тушган ҳар қандай одамга таъма қўлини чўзиши адолатсизлик. Адолатсизлик эса жазоланишга лойиқ. Шу маънода Тўра Бозоровни танийдиганлар, ўз қулоқларига ишонмай қолишган бўлса, ажаб эмас. Бироқ афсуски, у нафс измига бўйсуниб, таъмагирликка қўл урди.

Қарши Давлат университетининг сиртқи таълим факультети 5-курсида таҳсил олаётган Нилуфар Маматқулова «Ўзбек тили ва адабиёти» кафедраси мудири Тўра Бозоровнинг хизмат хонасига бориб, ундан битирув малакавий иши, яъни диплом иши мавзусини сўрайди. Т.Бозоров унга «диплом ишинг менинг фанимдан берилади, менга май ойларида учрашасан», деб жавоб қайтаради. Шу йилнинг 16 май куни Нилуфар яна кафедрага бориб, мудирдан диплом иши мавзусини сўрайди. Домла эса ҳеч тортинмай унга шундай дейди:

— Агар юз минг сўм олиб келсанг, тайёр ёзилган диплом иши бераман, кўчириб оласан.

— Домла узр, менинг бунча пулни бериш имкониятим йўқ. Мавзу беринг, ўзим ёзаман.

— Агар бунга кўнмаётган бўлсанг, сенга мавзу ҳам, тайёр диплом иши ҳам йўқ. Диплом ҳимоясида ўзим қатнашаман, «ишинг»ни ҳимоя қилгани қўймайман.

— Ахир, домла имкониятим йўқ...

— У ёғини билмайман. Сенга 19 май кунигача «муддат», ундан кечиксанг, мендан ўпкалама...

Домланинг бу қадар очиқ талаби Нилуфарни ўйлантириб қўйди. Диплом ишини сотиб олай деса, пули йўқ. Олмай деса, беш йиллик меҳнати зое кетади. Ниҳоят, узилкесил хулосага келиб, домланинг таъмагирлиги юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожаат этди. Ушбу мурожаат асосида тегишли тадбир режаси ишлаб чиқилди. Т.Бозоров тайёр диплом ишининг фақат жилдини алмаштириб, Нилуфарнинг номига расмийлаштириб, бунинг эвазига 100 минг сўм пора олаётганда қўлга олинди ва унга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Яқинда ушбу жиноят иши юзасидан суд мажлиси бўлиб ўтди. Суд Т.Бозоровга жазо тайинлашда унинг кексалиги ва саломатлигининг ёмонлиги, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, шартли равишда 3 йиллик синов муддати белгилади.

Бироқ қариганда бундай юзшувутлик ҳар қандай жазодан кам эмас.

Таъмагирлиги туфайли бошини эгиб қолганлардан яна бири қаршилик аудитор Абдуҳаким Халиловдир.

Маълумки, аудиторлик фаолияти корхона ёки ташкилот, хўжалик юритувчи субъектлар билан ўзаро тузилган шартномаларга асосан уларнинг молиявий фаолиятини тегишли тартибда тафтиш ва таҳлил қилиш ва холисона далолатномалар тузишдан иборат. Бироқ аудитор Абдуҳаким Халилов ўз ваколатини суиистеъмол қилиб, пора олмоқчи бўлди. У 2003 йил 8 апрелдан буён Қарши шаҳридаги масъулияти чекланган жамият «Таҳлил» аудиторлик ташкилотида мутахассис аудитори сифатида хизмат қилиб келаётган эди. 2006 йил 20 февралдан эса «АЗНУР-АНАЛУСТ» хусусий аудиторлик корхонаси аудит ёрдамчиси, шу йилнинг 1 мартидан «Қашқадарёбалиқчилик» масъулияти чекланган жамиятда бош ҳисобчи лавозимини эгаллади. У «Қашқадарёбалиқчилик» МЧЖнинг собиқ директори А.Юсуповнинг 2005 йилдаги молиявий фаолиятини сохтакорлик билан аудитор кўригидан ўтказиб, унга «Сизнинг иш фаолиятингизда камчиликлар аниқланди, агар 500 доллар бермасангиз, ушбу камчиликлар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига хабар бераман», деб шарт қўяди. А.Юсупов айби йўқлиги боис бунга рози бўлмайди ва аудиторнинг хатти-ҳаракати юзасидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага мурожаат қилди. Нафси ҳакалак отган «текширувчи» А.Халилов А.Юсуповдан 400 АҚШ долларини пора тариқасида олаётганда қўлга тушди. Унга нисбатан ҳам суд ҳукми билан қонуний жазо тайинланди. Бироқ у қариндош-уруғ, танишбилишлари олдида бир умрга боши эгик бўлиб қолди.

Доно халқимизда «Уят ўлимдан қаттиқ» деган мақол бор. Бу пурҳикмат нақл бежизга айтилмаган. Шундай экан, қонун асосида яшасак, қонун талабларига риоя қилсак, ҳеч қачон уялиб қолмаймиз. Юқоридаги икки воқеани ҳам бошқаларга ибрат бўлсин, деган фикрда қаламга олдик.

Рустам ҚЎШОҚОВ,
ҳуқуқшунос
Ғози РАҲМОН,
«Инсон ва қонун» мухбири

SHarhlovchi minbari

ИЛЛАТНИНГ ИЛДИЗИ

ёхуд демократия ниқобидаги иккиюзламачилик

(Давоми. Боши биринчи бетда)

АҚШ у ҳақда бирорта маълумот ёки хабар берган одамга беш миллион доллар мукофот пули белгиладди. Бир кун келиб, у ҳам ўлдирилса, ўрнини яна бошқаси эгаллайди. Ҳозир ҳар куни Ироқда бир эмас, бир неча террорчилик хуружлари юз бериб турибди. Портлатишлар оқибатида ҳар куни 80-90 нафар одам қурбон бўлмоқда. Демак, муайян одамларни бартараф этиш билан терроризмга қарши курашда мақсадга эришиб бўлмайди. Бу ёвуз кучга қарши биргаликда курашиш зарур. Энг муҳими, террорчилик хуружларнинг олдини олган маъқул. Бунинг учун, аввало, шундай ҳолатларни келтириб чиқарадиган сабабларни ўрганиш ва уларни бартараф этиш чорасини кўриш керак.

Жуда яхши эслаймиз: Нью-Йорк ва Вашингтонда мудҳиш фожиалар юз берганидан кейин аксарият таниқли сиёсатчилар, давлат арбоблари, парламент аъзолари, ҳарбий мутахассислар ўзларининг оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларида бунинг сабабини Яқин Шарқдаги мураккаб вазият билан боғлашган эди. Ҳатто АҚШ Яқин Шарқдаги сиёсатини қайта кўриб чиқиши керак, деган фикр ҳам айтилди. Жумладан, араб дунёсида шундай фикр устуворлик қилди. Ушанда АҚШнинг араб дунёсидаги иттифоқчиси бўлган Миср президенти Ҳусни Муборак АҚШда юз берган террорчилик ҳолатига Яқин Шарқда сақланиб турган кескин вазият ҳам қисман сабабчи, деган фикрда эканини айтган эди.

Шубҳасиз, илгаригига қараганда ҳозир бундай гумон яна ҳам катта. Чунки Фаластинда ҳукумат ҳозир "ХАМАС"чилар қўлида. АҚШ бу ҳукумат билан мулоқот ўрнатиб, муроса қилиш ниятида эмас. Демак, шубҳагумон ошиб бораверади. Бунинг устига Ироқдаги бугунги кескин вазият ҳам терроризмнинг янада чуқурроқ илдиз отишига сабаб бўлмоқда. Ироқни босиб олган коалиция қўшинларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатига жавобан террорчилик хуружлари уюштирилиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Буни мамлакатда кунда-кунора юз бераётган фожиалар ҳам кўрсатиб турибди. Агар Ироқда вазият тезроқ изга тушмаса, террорчилик хуружлари мамлакат ташқарисида ҳам авж олиб кетиши мумкин.

Шу жиҳатдан олганда, нафақат Яқин Шарқ ва Ироқда, балки Афғонистонда ҳам ҳамон террорчилик хуружларига туртки бериши мумкин бўлган ҳолатлар сақланиб турибди. Бу ерда, аввало, ғоявий-сиёсий ҳамда миллий-этник қарама-қаршиликка барҳам берилиши зарур. Мамлакатда миллий-этник тотувлик таъминланмас экан, террорчилик хуружлар учун баҳона топилаверади. АҚШ Афғонистоннинг ҳозирги ҳукуматини ҳар томонлама қўллаб-қувватлар экан, аввало, миллий-этник тотувликни таъминлаш энг долзарб масала эканини унутмаслиги керак.

Хулоса шуки, Яқин Шарқда, Ироқдаги, Афғонистондаги ва дунёнинг бошқа жойларидаги мураккаб ва қалтис вазиятлар изга тушиб, мавжуд муаммолар ўз ечимини топиб, қарама-қаршиликлар бартараф этилса, сўзсиз, терроризм, деган офатнинг пойи қирқилади. Бироқ бир нарсани асло унутмаслик керак. Яъни, оғли эркинлик — демократиядан ғаразли ниятда фойдаланиш мумкин бўлмаганидек, террорчилик кўринишидаги хатти-ҳаракатлардан ҳам ниқоб ўрнида фойдаланишга йўл қўйиб бўлмайди. Биз бу ўринда ғаразли ниятда уюштирилган "рангли инқилоб"ларни назарда тутяпмиз. Халқ сайлаган раҳбариятни ташқи кучлар таъсирида алмаштиришга уриниш демократиядан кўра кўпроқ террорчилик хуружига ўхшаб кетади. Ўз вақтида капиталистик дунё Октябрь инқилобини бутун инсониятга қарши жиноят деб атагани каби, зўрлик ишлатиб "рангли инқилоб"ни амалга ошириш ҳам қонунсизликдан бошқа нарса эмас. Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон ҳеч қачон бировнинг иғвосига учиб ўз давлатига ва ўз халқига қарши бормаслиги керак.

Бундан ташқари, терроризмни асосан мусулмон олами билан боғлаш туҳмат ва мунофиқликдан бошқа нарса эмас. Террорчилар жуда кўп мамлакатларда бор. Уларнинг даъво ва мақсадлари ҳам турлича. Улар ўзларининг ғаразли ниятлари йўлида вақтиваҳти билан хуруж қилиб туришибди. Жумладан, бир неча йил олдин АҚШда, яъни Оклахама-Ситида Тимоти Маквай билан Терри Николс исмли террорчилар портлаш содир этишди. Бундай ҳолат Англия, Испания, Франция ва бошқа мамлакатларда ҳам кузатилган.

Шундай экан, терроризмга қарши турли ниқоблар остида якка-ёлғиз эмас, балки биргаликда курашиш зарур. Шундагина бу балоқазонинг томирига болта уриш мумкин. Яъни, терроризм ва уни келтириб чиқараётган сабабларнинг олди олинади.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи

XXI АСР НАФАСИ

БЕНЗИН НАРХИ ОСМОНДА

Мутахассислар АҚШда бензин нархи мисли кўрилмаган даражада кўтарилиб кетганини таъкидлашмоқда. Расмий маълумотларга қараганда, ўтган ҳафтада АҚШда бир галлон бензиннинг нархи 3,015 долларгача кўтарилган. Бу 1 литр бензиннинг баҳоси 80 центга чиқди, деган маънони англатади. Нефть маҳсулотларининг нархи рекорд даражада ошиб кетиши 2005 йилда ҳам кузатилган эди. Ушанда бир галлон бензин 3,01 долларга чиққан эди. Айни кунларда соҳа вакиллари нима учун айнан АҚШда бензин нархи рекорд даражада ошиб кетганининг сабабларини аниқлашмоқда.

МОЖАРО ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

«АҚШ ҳукумати Исроилга 100 дона ер ости бункерларини портлатишга мўлжалланган бомба бермоқчи», деб ёзади «Газета.Ru». Мақолада таъкидланишича, ушбу бомбалардан Ливаннинг «Ҳизбуллоҳ» гуруҳи етакчиси Ҳасан Насрулло ва унинг шерикларини йўқ қилиш мақсадида фойдаланиш ниятида.

Одатда, ер ости бункерларини йўқ қилиш учун мўлжалланган бундай бомбалардан пухта жиҳозланган, қалин бетон девор билан ўралган 30-40 метр чуқурликдаги ертўлаларни портлатиш учун фойдаланилади.

Шунингдек, мақолада «Ҳизбуллоҳ» гуруҳи жангарилари гаровда бўлган икки нафар исроиллик ҳарбийни ҳибсдан озод қилиш масаласида Исроил ҳукумати билан музокаралар олиб бораётгани ҳақида ҳам сўз юритилган.

Газета икки давлатнинг ўзаро муносабатлари ҳақида фикр юритар экан, Исроил мудофаа вазири Амир Перецнинг «Исроил ҳукумати Ливаннинг жанубий чегараларига тинчликпарвар кучларнинг киритилишига рози бўлиши мумкин», деган фикрига алоҳида эътибор қаратган. Икки давлат ўртасида ҳамон ҳарбий ҳаракатлар бораётганига қарамасдан, Исроил ҳарбийлари Ливанга келтирилаётган инсонпарварлик ёрдами учун доимий равишда «йўлак» очиб беришга розилик билдирган.

Мақола сўнггида Исроил ҳарбийлари куни кеча «Ҳизбуллоҳ» гуруҳи жангариларидан икки нафарини асирга олишгани ҳақида ҳам ахборот берилган.

БИР КУНДА 64 НАФАР ҚУРБОН

«ИТАР-ТАСС» ахборот агентлигининг хабар беришича, Ироқда ҳамон портлашлар давом этмоқда. Ўтган якшанба куни Ироқнинг шимолий ҳудудида жойлашган Киркуки шаҳар суди биноси яқинида рўй берган портлаш натижасида 22 нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлган ва 100 нафардан ошиқроқ фуқаро турли даражада тан жароҳати олган. Бундан сал аввалроқ юз берган портлаш натижасида эса 15 нафар фуқаро қурбон бўлиб, 50 нафар тинч аҳоли вакили турли даражада тан жароҳати олган эди.

Шаҳар суди биноси ёнида рўй берган портлаш ҳақида гапирар экан, Ироқ полицияси генерали Бурхон Ҳабиб Тайеб шундай дейди:



–Шаҳар суди биноси ёнида жуда кучли портлаш содир этилди. Экспертларнинг фикрича, номаълум шахслар томонидан суд биноси яқинига қўйиб кетилган автомобилда бир тоннага яқин портловчи модда бўлган...

Шунингдек, якшанба куни эрталаб Ироқ пойтахти Боғдоднинг шарқий қисмида жойлашган Мадинат-Садр мавзесидаги полиция комиссариати биноси яқинида ва шу мавзедаги бозорчада ҳам жангарилар томонидан портлашлар содир этилган. Ушбу икки портлаш натижасида эса 42 нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлган ва 70 нафар фуқаро турли даражада тан жароҳати олган.

ИСПАНИЯДА ЖАЗИРАМА

Кейинги уч ҳафта мобайнида Испанияда об-ҳаво кескин исиб кетиши натижасида тўққиз нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмди ва ўнлаб фуқаролар шифохоналарга жойлаштирилди, деб хабар тарқатди «ИТАР-ТАСС» ахборот агентлиги. Мутахассисларнинг фикрича, одамларнинг юқори ҳароратга дош беролмагани ҳамда юрак хасталиги ўлимга олиб келган.

Тиббиёт ходимлари мамлакат аҳолисига махсус совутгичлар ўрнатилмаган ёпиқ биноларда спорт билан шуғулланмаслик, кундуз кунлари имкон даражасида кўчага чиқмаслик ҳамда доимий равишда ўзлари билан ичимлик суви олиб юришни маслаҳат беришмоқда.

Миллий метерология институти ходимлари берган ахборотга кўра, Испаниянинг Кантабрия, Канар ороллари, Жерона музофоти, Мальорка ороли ҳамда шимолий Африка қирғоғига яқин жойлашган Сеута шаҳарлари ҳудудида фуқаролар соғлигига салбий таъсир кўрсатувчи иссиқ об-ҳаво яна узоқ муддат мобайнида сақланиб туриши кутилмоқда.

Интернет материаллари асосида Феруза АШИРҚУЛОВА тайёрлади

Aks-sado

ЎЗЛИГИМИЗГА НИМА ЕТСИН?

«Ўзбекистон» телерадиоканали орқали намойиш этилган корейс телесериалларини телетомошабинлар ўзгача қизиқиш билан кузатиб борди. Бунинг асосий сабаби, шубҳасиз, ушбу телесериаллардаги ўзига хослик, янаям аниқроғи, корейс миллатининг қўҳна ва замонавий миллий қадриятлари, урф-одатларининг ёрқин бўёқларда акс этганидир. Айниқса, «Сарой жавоҳири» фильмидаги Тангем образи орқали корейс қизларига хос бўлган ҳаё, ибо фильм қаҳрамонининг кийиниши, хулқ-атвори — бир сўз билан айтганда, фильм қаҳрамонининг ўзини тутиши ҳар қандай томошабинни ўзига ром қилади. Корейс йигитларига хос орият, камтарлик, мардлик фазилатлари фильмнинг яна бир қаҳрамони зобит Мин қиёфасида гавдаланган. Шубҳасиз, ана шу қаҳрамонлар экранда гавдалантирган миллийлик телесериалнинг обрўсини бир қадар юксалтирган.

Дарҳақиқат, миллийлик маънавият сарчашмаси ҳисобланади. У миллатнинг ўзига хос, ўзига мос қиёфасини белгилаб беради. Бошқача айтганда, инсоннинг одоб-ахлоқи, ўзини тутиши, кийиниши унинг ички ва ташқи дунёси қандайлигидан далолат бериб туради. Шу боис бу ўринда миллий либосларимиз ва миллий фазилатларимиз ҳақида фикр юритишни лозим топдик. Айнан ана шу мавзуда қалам тебратишимизга яқинда газетада чоп этилган Ёқуб Зафаровнинг «Гўзаллик меъёри» номли мақоласи сабаб бўлди. Мақолада бевосита миллий ва замонавий либослар ҳақида сўз бориб, замонавий либослар ҳам миллийлик андозасида яратилиши лозимлиги аниқ далиллар билан исботлаб берилган.

Узоққа бормайлик. Ўзимизнинг ҳам тўй ва маъракаларимизда ҳамда кундалик ҳаётда киядиган либосларимиз бор. Бу либосларда инсоннинг хулқ-атвори, фазилатларининг акс этиши табиий.

Эгнига зар ёки беқасам тўн кийган йигитларни кўрсак, унинг куёв эканини биламиз. Шунингдек, янги турмуш қурган келинчакларимиз миллий либосларда яшнаб кетишидан уларнинг ўзига хос хислатларини илғаб олиш қийин эмас. Кўриниб турибдики, либос ва миллий фазилатлар инсоннинг юзи ҳам экан. Бу эса ўз навбатида инсон юрагида фахр туйғусини уйғотади.

Лекин афсуски, орамизда ана шундай гўзал ва шарқона удумларимиздан ташқарида, кундалик турмуш тарзимизда миллий фазилатларимизга беписандларча муносабатда бўлаётганлар ҳам учраб туради. Баъзан кўча-кўйда, ўқув юртларида сочларини қирқ кокил қилиб, атлас кийган қизларни учратамиз. Бундай пайтда беихтиёр кўзингиз қувнаб кетади.

Айрим ёшларимиз очиқ-сочиқ кийинишни замонавийлик белгиси, деб билади. Улар нафақат ташқи кўриниш, кийинишларида, балки хулқ-атворлари, ўзларини тутишларида ҳам кўр-кўрона ғарбга тақлид қилади. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: нега миллий кийинишдан уялганлар тор шим кийиш, сочларини турфа рангга бўяб, танасини кўз-кўз қилишдан уялмайди?...

Бундай юришнинг боиси нимада?

Албатта, бунда оилавий муҳитнинг таъсири катта. Яқинда бир танишим фарзандининг хулқи ёмонлашаётганидан нолиб қолди. Ўғлим худди масхарабозлардек кийинишни одат қилиб олди, дейди куюниб ота. Унинг хатти-ҳаракатлари, ўзини тутиши ҳам ғайритабиий. Билмадим, у бундай кийинишни, ўзини бундай тутишни қаердан ўрганди экан?..

Шу ўринда озгина мулоҳаза юритиб кўрсак. Тўғри, бугун кимларгадир тақлид қилиб кўчада ярим-яланғоч юрган қизлар ҳам бегона эмас. Улар ҳам кимнингдир синглиси, опаси ёки аҳли аёли. Ёки сочига оқ тушган бўлса-да, бозорда шортик (калта шим) кийиб юрган инсон ҳам ўзга сайёралик эмас. У ҳам кимнингдир ўғли, кимнингдир акаси, борингки, кимнингдир отаси. Демак, айбни бировлардан эмас, аксинча, аввало ўзимиздан ахтариб кўрсак, ёмон бўлмас эди. Юқорида ўғлининг феъл-атвори ўзгариб бораётганидан нолиган ота ҳам энг аввало, фарзанди ким билан дўст, бекор пайтида нима иш билан банд бўлади, қолаверса, у телевизорда қандай кўрсатувларни қизиқиб кўради, деган саволларга жавоб топса, ўғлининг тарбиясини ўнглай олади. Акс ҳолда...

Сўзимизни мухтасар қилишдан аввал, ушбу муаммонинг яна бир қиррасига ўқувчиларимизнинг эътиборини қаратсак. Кейинги йилларда телевидениенинг имконияти кенгайди. Давлат телеканаллари билан бирга нодавлат телерадиоканаллари ҳам фаолият кўрсатаяпти. Бунинг устига кўплаб оилалар паробаллик антенналар орқали дунёнинг исталган мамлакатидан узатилаётган теледастурларни томоша қилиш имкониятига эга. Булар яхши, албатта. Лекин ана шу телеканалларда намойиш этилаётган ғарб қўшиқчиларининг видеоклиплари айрим ёшларимиз онгига салбий таъсир кўрсатаётгани ҳам сир эмас. Негаки, баъзи ёшларимиз бу бешарм «реппер»ларнинг қўшиқ ва ҳаракатларининг маъно-моҳиятини англамасдан туриб, уларга ўхшашга ҳаракат қилади. Кўр-кўрона уларга эргашади. Натижада эса биз юқорида қаламга олаётган муаммо — ёшларимиз онгида бузилиш бошланади. Шундай экан, энг аввало, биз фарзандларимиз телевизор орқали кимни кўриб, кимга эргашаётгани, кимга тақлид қилаётганидан бехабар қолмаслигимиз зарур.

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Тошкент вилояти адлия бошқармаси Ангрен шаҳар 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси лавозими учун танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Талабгорлар 2006 йил 15 августгача Тошкент вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар адлия бошқармасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

а) малака комиссияси номига ариза;
б) паспорт нусхаси;
в) белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
г) меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
д) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
е) нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин 3 йил мобайнида нотариус давозимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳонини топширгани ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
ж) охирги иш жойидан берилган меҳнт фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Усмон Носир кўчаси, 93-уй. Телефонлар: 363-51-03, 363-51-04.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицейи директорининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари бўш лавозими учун танлов ўтказилади.

Номзодлардан қуйидагилар талаб қилинади:

Тошкент Давлат юридик институти қошидаги академик лицей директорининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари лавозимига ўтказилаётган танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий-таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича магистр, дипломли мутахассислар иштирок этиши мумкин. Номзодларнинг аризалари Адлия вазирлигига тақдим этилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

1. Сўровнома (кадрларни ҳисобга олиш варақаси) ва таржимаи ҳол;
2. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг нусхаси;
3. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса);
4. Илмий-услубий ишлар рўйхати (мавжуд бўлса);
5. 4х6 ўлчамдаги 4 дона фотосурат.
6. Директор ўринбосари лавозимига номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция).

Танлов комиссияси ҳужжатларни ўрганиб, номзодларни танловда қатнашишга тавсия этади.



Довон йўли

Dunyoning ishlari

НОМАЪЛУМ АЁЛ МАКТУБИ

1832 йилнинг 28 феврал куни буюк ёзувчи Оноре де Бальзак «Одесса» почта муҳри босилган ҳаройиб бир мактуб олади. Ёзувчи дастлаб бу мактубга унча эътибор бермайди. Чунки ҳар куни у мухлисларидан юзлаб шундай мактублар олар, аммо буларнинг барчасига жавоб қайтаришга вақт топа олмасди.

Одессадан келган мактуб эса бошқача, аниқроқ айтганда, киши кўнглида дафъатан эзгин хотираларни қўзғаб юборарди. Тўғри, аёл ўз мактубида унинг истеъдодини кўкларга кўтариб мақтаган, аммо мақтов сўзлари самимий, ифода услуби эса ўз қадрини яхши биладиган зодагон аёлларники каби нафис эди. Мактуб сўнггида «Номаълум аёл», деб чекилган имзо янада таажжубланарли эди.

Ёзувчи, таассуфки, «номаълум аёл»га жавоб мактуби йўллай олмасди. Чунки мактубда аёл ўзи яшайдиган почта манзилини кўрсатмаган эди.

Ўша кундан эътиборан адибнинг ороми бузилади. Ўзини қўярга жой тополмай қолади. Аёл мактуби унинг қалбини тамомила забт этган эди.

Оноре Бальзак 1799 йил 20 майда Франциянинг Туре шаҳрида таваллуд топади. Камбағал оиладан чиққан онаси уни туғилган кунидан бошлаб хуш кўрмайди. Бола тўрт ёшга тўлганча ўз ҳолига ташлаб қўйишади. Саккиз ёшга тўлганда ота-онаси уни монастр йўналишидаги Вандом коллежига топширишади.

Шундан сўнг ўз фарзандига бемеҳр она олти йил давомида ўғлидан бор-йўғи икки марта хабар олади. Кейинчалик Оноренинг соғлиғи туйқус ёмонлашгач, коллеждаги устозлари унинг онасини чақиришга мажбур бўлишади. Боласини учинчи марта кўришга келган она, ўғлининг афт-ангорига кўзи тушгач, қўрқиб кетади.

Бошда хўппа-семиз бўлган ўғлининг кўзлари ичига чўккан, эти устихонига ёпишиб қолар алфозда эди.

О.Бальзак коллежни тарк этиб, уйда даволанади. Орадан кўп ўтмай соғлиғи тикланади ва Париждаги мактаблардан бирига ўқишга кириб, юристпруденция бакалаври унвонига эга бўлади. Лекин у мутахассислиги бўйича ишлашдан воз кечиб, бутун умрини адабиётга бағишлайди.

Бир кеча-кундузда ўн беш соатлаб тинимсиз ижодий меҳнат ўз самарасини бера бошлайди. «Сўнгги Шуан», «Никоҳнинг ахлоқий қиёфаси» романлари ёш ёзувчига шуҳрат келтиради.

Ҳаммаси бўлиб тўқсонта романдан иборат «Инсон комедияси»нинг дастлабки китоблари — «Сағри тери тилсими», «Евгения Гранде», «Горио ота», «Йўқолган орзулар» ва бошқа асарлари бирин-кетин нашрдан чиқади. XIX асрнинг 30-йилларида оддий деҳқон фарзанди Оноре қисқа даврда жаҳоний шуҳрат қозонишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Қизиғи шундаки, ҳаётда эришган ютуқлари ошган сари унинг атрофида парвона оқ билак ойимчалар сони ҳам кўпая бошлайди. Улар орасида Парижнинг манаман деган машҳур аёллари — қироличанинг тутинган қизи, император маршалининг собиқ жазмани, герцогинялар, графинялар бор эди. О.Бальзакнинг доимо порлаб турувчи чиройли кўй кўзлари, ҳамма ҳавас, ҳатто ҳасад қиладиган истеъдоди ҳар қандай аёлни ўзига ром этмасдан қолмасди.

Афсуски, адибнинг шон-шараф чамбарига бурканган шуҳратига кутилмаганда тажовуз уюштирилади. Томирида қирол Стюарт қони уфуриб турган маркиза ўзининг ишваю нозларига беписанд муносабатда бўлган ёзувчидан ўч олишга жазм қилади. Шоҳона базмлардан бирида, маркиза ҳамма эшитадиган қилиб, унинг паст табақадан чиққанига ишора қилади. Казо-казолар даврасида қаттиқ мулзам бўлган Оноре юрагини чангаллаганча даврани тарк этади. Аёл макри қирқ туяга юк бўлади, деб шунга айтсалар керак-да...

Ушбу нохуш воқеадан кейин орадан бир йил ўтгач, ёзувчи «Номаълум аёл»дан мактуб олади. Бироқ бахтга қарши бу гал ҳам аёл ўзининг почта манзилини кўрсатмаган эди. О.Бальзак бундай интизорлик қандай хотима топишини сабрсизлик билан кута бошлайди.

Ниҳоят, навбатдаги мактубда аёлнинг манзили кўрсатилган, агар ёзувчининг хоҳиши бўлса, ёзишмаларни давом эттиришга изн берилган эди. Шунча кутиш ва интизорлик онлари беҳуда кетмайди. Аёлнинг розилигидан боши осмонга етган О.Бальзак ўша заҳотиёқ қўлига қалам олиб, номаълум аёлга нисбатан ғойибона муҳаббатини оппоқ қоғозга эҳтирос билан тўка бошлайди. Адиб аёлга йўллаган биринчи мактубидаёқ уни **«Бундан буён Сиз хаёлларим шамчироғисиз»**, дея шарафлайди.

«Ғойибона бўлса-да, Сизни севиб қолдим. Бу тошу тарозили дунёда Сизсиз яшашни ҳатто тасаввур ҳам қила олмайман», деган мазмундаги дил изҳоридан сўнг қўшиб қўяди: «Дунёда фақат Сизгина мен ғарибни бахтли қила олишингиз мумкин. Ишонинг, қаршингизда тиз чўкканча, афтода ҳолда турибман, юрагимнинг ягона ҳукмдори фақат Сиз. Майли, розиман, мени қайғу ва изтиробда қолдиргандан кўра, бир зарб билан ўлдиринг! Сизни бутун борлиғим, мутаассир қалбим ва олов янглиғ алангаланаётган вужудим-ла севаман! Ўтинаман, мени мана шундай бахтиёрлик ва гўзал орзулардан бебаҳра қилманг!».

Алал-оқибат, аёл узундан-узоқ ишқий ёзишмалардан сўнг ёзувчи билан учрашишга розилик билдиради. Қачон ва қаерда учрашишни мактубларидан бирида батафсил кўрсатиб ўтади.

Бахтдан, хаёлий орзуларининг ниҳоят ушалаётганидан юраги ҳаприққан ўттиз тўрт ёшли Оноре оёғини қўлига олганча, Швейцария қайдасан, деб йўлга отланади. Аммо бу ҳақда ҳеч кимга, ҳатто ўз яқинларига ҳам миқ этиб оғиз очмайди.

Улар Швейцариянинг Навшател шаҳридаги меҳмонхоналардан бирида учрашади. Аёлга кўзи тушган ҳамон ёзувчи шу пайтгача «лаззатли хаёлларининг шамчироғи» янглиғ тасаввурида яшаётган хаёлий тимсол, аслига узукка кўз қўйгандек мос эканидан баттар ҳайратга тушади. **«Унинг қиёфасида**, — деб ёзади адиб кундаликларида, – **ўзига хос мустақиллик ва ғурур, бироз такаббурлик бор эди».**

Аёл ўзини Эвелина Ганская, деб таништиради. Суҳбат чоғида унинг асл исм- шарифи графиня Ржевусская экани, ҳозирда рус фуқаролигини қабул қилгани, ёши йигирма еттида (аслида 33 ёш), эллик ёшли эрининг Украинада минг нафардан ортиқ крепостной деҳқонлари борлиги маълум бўлади. Эвелина ўзи ҳақида сўзлар экан, орада Верховне қалъасида эри билан кечаётган ҳаёти зерикарли эканини қистириб ўтади. О.Бальзак ҳам ўзи ҳақида, дўстлари, келажакдаги режалари тўғрисида сўзлаб беради. Бир неча соатга чўзилган учрашув бир лаҳзадек ўтиб кетади.

Мактубларда туғилган чин муҳаббат кейинги учрашувларда мустаҳкамланиб боради. Эвелина вақтинча эри билан Женевага кўчиб келганда, ёзувчи уларнинг уйига дўст сифатида тез-тез ташриф буюриб турарди. Уйда эса 15 соат ўрнига, бир кунда 20 соат ижод билан машғул бўлади.

Рождество байрами арафасида Оноре яна Ганскийларникига меҳмонга келади. Ўзига ажратилган меҳмонхонадан қимматбаҳо совға — олмос кўзи орасига Эвелинанинг бир қирқим қора сочлари бекитилган узук топиб олади. Ёзувчи бу совға кимдан эканини яхши биларди. Шу сабаб ҳам уни умрининг охиригача қўлига тақиб юради.

Женевада О.Бальзак эҳтиросли мактублари билан Эвелинани кўмиб ташлайди. Ҳа, ўттиз тўрт ёшли навқирон адибнинг орзулари ушалган эди: «Суюкли фариштам! — деб ёзади у мактубларидан бирида. — Сиз мени ақлу хушимдан айирдингиз. Ўзимни бошқа ҳаёллар билан ҳарчанд чалғитсам-да, фикран бир зум бўлса-да, кўз ўнгимдан кетмайсиз! Сиз кўз ўнгимда ҳозир ҳам худди кеча кўрганимдек гўзал, илоҳий қиёфадасиз! Кеча тун бўйи телбалардек ўзимга ўзим, қуйидаги сўзларни такрорлаб чиқдим: «Эвелина меники!»

Тақдири азал деймизми ёки бунинг ўзга сабаблари борми, ҳар ҳолда бир-бирига талпинган қайноқ қалблар бахти узоққа чўзилмади. Бир-бирларига интизор нигоҳлар-ла боққан кўзларнинг учрашувлари етти йил узилиб қолади. Ганскийларнинг турли мамлакатлар бўйлаб уюштирган саёҳатлари чўзилиб кетади. О.Бальзак эса, Парижда ижод билан қизғин банд. Муҳаббат эса етти йилгача ифодаси бир-биридан гўзал ва эҳтиросли мактубларда яшарди.

Бунинг устига, қутилмаганда Эвелинадан келаётган хабарлар тўхтаб қолади. Ҳадик-хавотирга тушган Оноре унга мактуб устига мактуб жўнатади. Ниҳоят, 1842 йилнинг 5 январида Украинадан мактуб олади: **«Венцеслав Ганский дунёдан ўтди...»**

Эвелина эрининг вафотидан кейин баъзи чала ишларини йўлга қўйиш учун Петербургга кетган бўлиб, унинг мактубларига жавоб беролмаганини маълум қилган эди. Бу хабарни эшитган О.Бальзак Питерга отланади. У бир неча ойда Эвелинадан никоҳдан ўтишга розилик олгач, хурсанд ва хотиржам кайфиятда Парижга қайтади. Улар яна беш йил ахён-ахёнда учрашиб туришади. Учрашувлар орасини эса яна ўшандай эҳтиросли мактублар тўлдириб, айрилиқ дамларига таскин беради.

Эвелина, ниҳоят, подшоҳ Николай I дан никоҳларига рухсатномани қўлга киритганда, оғир хасталик Оноренi қарийб тўшакка михлаб ташлаган эди.

Хаста ҳолида бўлса-да, 1850 йил 14 март куни, Бердичев шаҳридаги Муқаддас Варвара ибодатхонасида улар никоҳдан ўтишади. «Мен ўзим севган, ҳозир ҳам суюкли бўлган ва умримнинг охиригача севадиган, мен учун дунёда ягона ҳисобланмиш аёлга уйландим, —деб ёзади у кундаликларида. — Бу никоҳни шум тақдирим, қилган меҳнатларим ва ҳаёт синовларига кўрсатган сабр-бардошим учун Яратганнинг ўзи ато қилди. Мен ҳаётда бахтли болалик нима эканини, гулларга бурканган баҳорнинг нималигини шу пайтгача билмай яшадим. Энди эса менинг қуёшли ёз кунларим, олтин кузларим олдинда».

Афсуски, Оноре де Бальзак ўзининг «олтин куз» кунларига ета олмади. 1950 йилнинг 18 август тонгида буюк ёзувчининг юраги уришдан тўхтади. Шу тариқа ўн саккиз йил давом этган муҳаббат мактублари аччиқ хотима топди...

Хорижий материаллар асосида
Мансур ТЕНГЛАШЕВ
тайёрлади

Jinoyat va jazo

УМР ЗАВОЛИ

Суд очерки

Нафсни тия олмаслик, текинхўрлик аксарият ҳолларда ўғирликни келтириб чиқаради. Ичкилик эса қора қилмиши билан ҳамиша шайтоний ҳислар тегирмонига сув қўяди. Бу фикрни Нишон туманининг Каптарли қишлоғида яшовчи Дилшод, Шамсиддин ва Соатмурод мисолида яққол кўриш мумкин. Бирор ишни ёлчитмаган бу йигитлар қишлоқдаги дўконда ароқхўрлик қилиб ўтиришган пайтда улар сафига вояга етмаган ўсмир Фурқат Бобомуродов келиб қўшилди. У улфатларни яна бир шиша ароқ билан сийлади.

Улфатчилик якунида Фурқат ўғирлик қилиб, мўмай пул топиш ҳақида таклиф билдирди. Улфатлар бу таклифга бажонидил рози бўлишди

Шундан сўнг улар ҳамқишлоқлари Х.Қурбоновнинг бозор нархида саксон минг сўм турадиган семиз серкасини ўғирлашди-да, Нуристон шаҳарчасига олиб бориб, бир танишларига бор-йўғи 20 минг сўмга сотиб юборишди. Сўнг бу пулга улфатлар маишат қилишди. Орадан бироз вақт ўтгач, Фурқат қишлоқдошлари Раҳматулла ака икки бош семиз қўй боқаётганини айтиб, уларни ўғирлаб сотишни маслаҳат берди. Улфатлар бу гал ҳам унинг йўриғига юришди. Икки бош қўй ўмарилиб, Нуристон шаҳарчасида яна арзон-гаровга пулланди. Текин пул улфатларнинг иштаҳасини янада очиб юборди. Беш кундан сўнг Дилшод ва Шамсиддин Холиёр исмли тенгдошларини ҳам ўғирликка кўндиришди. Улар бу гал қишлоқдошлари Абдураҳмон аканинг семиз қўчқорини ўмаришди. Уни пана жойда сўйиб, гўштини Нуристондаги таниш қассобникига олиб боришди. Бироқ қассоб қинғирликни сезди, шекилли, гўштни сотиб олишдан бош тортди. Шунда ўғрилар гўштни зовурга ташлаб юборишди. Уч кун ўтгач, ҳамқишлоқлари бўлган Эшмўмин аканинг бир бош хўкизини ўғирлаб, кўздан пана жойга боғлаб қўйишди. Унга Холиёр қараб турди. Дилшод ва Шамсиддин машина топиб келгач, Дилшод хўкизни қўшни қишлоқда яшовчи поччаси Тоҳир Фармоновга 60 минг сўмга сотиб келди. Ишнинг бу даражада силлиқ кечаётганидан руҳланган ҳамтовоқлар орадан икки кун ўтиб яна худди шундай «операцияни» ҳамқишлоқлари А.Бобоновнинг чайласи ёнида амалга оширишди. Унинг ҳам бир бош хўкизи йўқолиб қолиб, Тоҳир Фармоновнинг ҳовлисида пайдо бўлганини ҳеч ким сезмади. Икки хўкизнинг пули бир ярим ой мобайнида улфатчилик қилишга етди. Шундан сўнг яна бир қишлоқдошлари Ҳусан Боймановнинг соғин сигири ўғирланди. Икки кун ўтгандан кейин Муҳаммади Рўзматовнинг бир бош хўкизи «гум» қилинди. Бунга ҳам қаноат қилмаган Дилшод поччаси Намоз билан қўшни қишлоқдан ҳам бир бош хўкизни ўғирлади ва 85 минг сўмга сотиб юборди. Албатта, Каптарли қишлоғида кетма-кет содир этилган ўғирликлар барчанинг эътиборини ўзига тортди. Туман ички ишлар бўлимида ўғриларни қўлга олиш режаси ишлаб чиқилди. Ниҳоят, узоқ кузатувлардан сўнг калаванинг учи топилди. Суриштирув тергов чоғида 6 нафар ўғрининг барчаси айбларини тан олди. Тергов давомида мол эгаларига етказилган зарар айбдорлардан тўлиқ ундириб берилди. Айбдорларнинг ҳар бири суд ҳукми билан қилмишига яраша қонуний жазо олди. Шу тариқа текин улфатчиликка аччиқ якун ясалди.

Кишини ўйга толдирадиган томони шундаки, катта ҳаётга энди қадам қўяётган бу йигитлар ўз умрларини ўзлари қора қилишди. Ҳолбуки, улар ҳаётга очиқ кўз билан қарашганда, бу ҳаётда фақат эзгу ва савоб ишлар киши умрини безашини англаб етишарди.

Афсуски...

Ш.ЭШИМОВ,
ҳуқуқшунос

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-915. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5